



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 29-sentabr. Seshanba

115 (32.018)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎЗХДП НИНГ 845 БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. УЛАРГА 35 МИНГ 344 НАФАР АЪЗО БИРЛАШГАН. ШУ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ВИЛОЯТДА 1534 КИШИ ПАРТИЯМИЗ САФИГА КИРГАН БЎЛСА, УЛАРНИНГ ТЕНГ ЯРМИ ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРДИР.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА ЎЗХДПДАН 22, ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА ЭСА 169 НАФАР ДЕПУТАТ САЙЛАНГАН. УЛАРНИНГ 31 НАФАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРДИР. ШУНИНГДЕК, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ПАРТИЯМИЗДАН 3 НАФАР ДЕПУТАТ САЙЛАНГАН.



Эзгу мақсадлар сари интилиш

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг етакчилари, депутатларини ташаббус кўрсатишга чорламоқда, кўп минг сонли аъзолари ва хайрихоҳларини янада жипслаштирмоқда

Эсимда, 2014 йил август ойида ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг конференциясида қатнашган эдим. Ҳисобот даври маърузаси, нотиклар фикрини тинглаб, ўзимда туғилган мулоҳазаларни ён дафтарга қайд этдим. Хулоса шу эдики, айрим маърузаларда амалга ошган кўплаб яхши ишлар, ижобий тажрибалар, ўз навбатида камчиликлар тўла қамраб олинмаган. Айниқса, яратиш ишга қўйилган эътибор қозongan фаолларимиз, депутатларимиз тажрибаси,

орзу-ўйлари тўлиқ очиб берилмаган эди.

Конференциядан сал ўтиб, хушхабар тарқалди: **ЎЗХДП аъзоси, Қашқадарё туманидаги «Абди ўғли Бозор» фермер хўжалиги раиси, моҳир деҳқон Абдимурод Бозоров Президентимизнинг Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони билан тақдирланди.** Қашқадарё соҳилидаги катта майдон, оппоқ тусли шийпонга кўп келганман. Бордим, партиядошимизни кутладим. Ўзим ҳам ҳаяжонда эдим.

Орадан анча вақт ўтиб, Абдимурод ака халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига сайланди. Олий Мажлис Сенати аъзоси бўлди. Яна бордим, суҳбатлашиб, вилоят партия ташкилоти, депутатларимиз фаолияти ҳақида мақола ёзиш ниятида эканимни айтиб, маслаҳат сўрадим.

— Яхши ишга қўл урибсиз, — деди у. — Мана, мен шу юрда туғилганим, яшаётганим, меҳнат қилаётганимдан фахрланаман. Шўро даврида қанча интилайман, меҳ-

натим қадр топмаган эди. Шукрки, бугун буларнинг бари эътибор ва эъзозга тушди. Халол меҳнат қадрланадиган, ҳамма азми-ҳаракатлар инсон учун, унинг бахт-иқболи учун бўлган юртининг келажаги порлоқ. Ҳар бир ишнинг ўз масъулияти, ҳар бир ниятнинг интилиши бўлади. Қолган гапнинг маъини қақиб олаверинг...

Англадим ва йўлга отландим.

▶ Давоми 2-бетда.

Худудлардан хабарлар

Меҳнат муҳофазасига бағишланди

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси, Навоий кон-металлургия комбинати ҳамкорлигида ташкил этилган республика илмий-амалий анжуманида ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинатида 60 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Тизимда фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига 581 нафар шифокор, 1 минг 566 нафар ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда.

Комбинатга қарашли тиббий-санитария тизими ва унинг туман, шаҳарлардаги бўлимларида малакали тиббий хизмат йўлга қўйилган. Навоий шаҳридаги тиббий-санитария бўлимида таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилгани натижасида беморларга қисқа муддат тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти янада ошди. Бу ерда спорт-соғломлаштириш маркази ҳам ташкил этилган бўлиб, энг сўнгги русумдаги анжомлар билан таъминланган.

Илмий-амалий анжуман якунида комбинат ишчи-хизматчиларига кўрсатилаётган ижтимоий ва тиббий хизмат сифатини янада ошириш борасида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ахборот-ресурс маркази

янги бинода

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборот-ресурс марказининг янги биносида ривожланган давлатлардан қолишмайдиган шарт-шароитлар яратилган. Бу кўркам иншоотнинг қурилиши учун 4 миллиард 125 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Бугунги кунда 5 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган ушбу ахборот-ресурс марказида ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ, рус, инглиз, япон тилларидаги китоблар, бадий адабиётлар қаторида CD-диск, чет тилларни ўрганиш дастурлари мавжуд. «Янги ахборот технологиялари ва интернет синф хизмати» бўлимидаги барча компьютерлар «ZiyoNET» тармоғига уланган.

Ахборот-ресурс маркази томонидан ёз ойларида кўплаб оромгоҳларда кўча кутубхона ташкил қилинди. Ҳозирда тил ўргатиш бўйича янги тўғарақлар очил режалаштириляпти.

Шунингдек, ушбу муассасада хорижий таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Япониядан келган ўқувчи Индзуми Табира кутубхонада қорақалпоқ тилини ўрганиш билан бирга, бу ердаги болаларга япон тилини ўргатмоқда.

Хивада юзлаб янги иш ўринлари яратилади

Шу кунларда Хива туманида жойлашган «Хива пайпоқ текстиль» корхонаси биносида таъмирлаш ишлари жадал суъратлар билан олиб борилаётган. Қурилиш ишлари тугагандан сўнг бинонинг биринчи қаватида корхонага қарашли дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари, «Гўзаллик саломи» фаолият кўрсата бошлайди.

Маъжур корхона таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 4 миллиард 500 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ишлар якунлангандан кейин корхонанинг дам олиш хоналари, чойхона ҳамда ошхонаси бўлади. Унинг олд томонида рангли фаввора барпо этилади. Шунингдек, корхонага Хитой, Жанубий Корея каби давлатлардан замонавий дастгоҳлар келтирилиши режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида ана юзлаб янги иш ўринлари яратилади.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ тайёрлади.

БАНДЛИК

50 киши ишли бўлди

Шўрчи туман ҳокимлиги, прокуратураси, ЎзХДП туман кенгаши, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. «Чароғон боғи»да ташкил қилинган тадбирда 90 га яқин корхона ва ташкилот 250 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди.

— Ярмаркада 50 нафар киши ишли бўлди — дейди **Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши раиси Ботир Ражабов**. — Партиянинг 2014-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида электротар вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Уни амалга оширишда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

Туманда 150 минг нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилса, уларнинг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил қилади. Жорий йилнинг ўтган даврида жойларда элликдан ортиқ маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш шохбачаси фойдаланишга топширилиб, 500 дан ортиқ киши муқим касб эгалари бўлди. Бундан ташқари, қасанчилик ва сервис хизмати кўрсатиш соҳаларини яхшилаш, йирик корхоналар ташкил қилиш борасида ҳам дадил қадамлар ташланмоқда. Бир сўз билан айтганда, йил охиригача 4 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланиши режалаштирилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси муҳокамасига аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалани киритди.

АКС-САДО



Камолiddин АҚРАМОВ, ЎзХДП Олмасор туман кенгаши раиси:

— «Ўзбекистон овози» газетасининг 2015 йил 19 сентябрь сониди «Етакчи қандай бўлиши керак?» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда партия бошланғич ташкилотлари етакчиси қандай хусусиятларга эга бўлиши, фаолиятини такомиллаштириш учун нима-ларга эътибор қаратиши зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Мақолани ўқигач, партия фаоли сифатида менда ҳам фикр-мулоҳаза билдириш истиги туғилди.

Биламизки, сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни кўп жиҳатдан унинг етакчилари салоҳиятига боғлиқ экани ҳаётда исботини топмоқда. Дастурий мақсадларни рўйб-

га чиқаришда ҳам улар ҳал қилувчи ўринга эга. Шунинг учун сафимизда билимли ва қатъиятли етакчиларнинг кўпайишига эришишимиз зарур.

Аввало, етакчи дадил бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Ана шунда улар ўз худудидаги воқеа-ҳодисаларга синчковлик билан қарайди, камчиликларни таҳлил қилиб, ҳал этиш бўйича аниқ таклифларни илгари суради.

Ўз худудимиз мисолида айтилган бўлсам, бугун туманимизда ЎзХДПнинг 97 бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар 3900 дан ортиқ аъзони бирлаштирган. «3-автобус саройи», Давлат

Сирдарё вилоятида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан 5 масала партия гуруҳларида, 2 масала доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқилди.

солиқ инспекцияси, 15-оилавий поликлиника ва «Хончорбоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган кўйи бўғин етакчилари фаолияти билан ажралиб туради. Жумладан, аъзолар билан ишлаш, сиёсий-хуқуқий билимдон ёшларни партия ишига кенгрок жалб этиш бўйича самарали фаолият олиб бориляпти. Ўз навбатида ташаббускор ва илғор етакчилар сафи кенгайяпти.

Шу ўринда бир фикрни айтмоқчиман. Дейлик, қайсидир худудда аҳолини бирорбир муаммо ўйлантиряпти. Партия кенгаши ҳамда депутатларимиз бу ҳақда дастлаб ўша жойдаги кўйи бўғин етакчисидан фикр сўраши керак, назаримда. Бу муқим аҳамиятга эга. Чунки бу вазиятда етакчиларнинг ўзи яшаётган ва фаолият олиб бораётган жойдаги ҳолатдан хабардорлиги ошади. Юзага келган масаланинг ечимини юзасидан аниқ амалий тақлиф беришга интилади. Зиммасидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этиб ишлашга ҳаракат қилади, деб ўйлайман.

Партия ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш доирасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг интерфаол давлат хизматлари ягона портали ва бошқа тегишли тармоқ ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминловчи махсус шохбачалар тармоғининг ташкил этилишига эришишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастуридан.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Маблағингизни ишончли бошқарувчига топширинг

«Сизга таъзим, устозлар»

ЎЗХДП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

Эзгу мақсадлар сари интилиш

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг етакчилари, депутатларини ташаббус кўрсатишга чорламоқда, кўп минг сонли аъзолари ва хайрихоҳларини янада жипслаштирмоқда

ТАЯНЧ ВА ҚЎШҚАНОТ

Кенгликлар бағрига сингиб кетган Муборак ҳўли. Бир томонда пахта ва галлага ажратилган сувли ерлар. Аммо яйловлар кўпроқ, яъни 300 минг гектардан ортиқ. Нафакат яйлов, балки газ, нефть ва бошқа бойликлар кони. Муқталигимизнинг дастлабки кунларидеёқ Ўртбошимиз Кўкдумалоқ каби йирик конларни ўзлаштиришининг аҳамияти ҳақида гапириб, кўтлуг режаларни баён этиб берган эди.

Ўтган даврда ўйлаб захираси мўл конлар топилди. Кўкдумалоқ компрессор станцияси ишга туширилди. Қудратли ёқилғи-энергетика тизими яратилди. Агар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган газнинг 90 фоизи Қашқадарё воҳаси ҳиссасига тўғри келса, шундан энг кўп — 30 миллиард кубометр газни Муборак заводи тайёр махсулотга айлантиради. Ана шу қорхона чилангари, партиянинг фаоли Кобил Мўминов «Ўзбекистон Кахрамони» юксак унвонига сазовор бўлган. У ҳозир пенсияда, лекин ёшлардан маслаҳатини аямайди...

Саксувулзор томон машинасини буриб, чўл бағрига тикилар эканман, аввал ана шу фидокор инсонни эсладим. Кейин ЎЗХДП вилот кенгаши фаолияти билан танишганимни бир-бир хаёлимдан ўтказа бошладим. Яхши сўхбат бўлганди. Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Туропов сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказилаётган машғулотларга кўпроқ ёшлар, электротимиз вакилларини тортиш ҳақида гапирди. Кенгаш раисининг ташкилий, кадрлар ишлари бўйича ўринбосари Уктам Курбонов, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш сектори мудири Шаҳло Холикова, «Истикбол» ёшлар қаноти фаоли Фаррух Холиқов тўплаган тажриба бўйича аниқ маълумотлар берди.

Бир фикр устун келди: «Истикбол» ва «Фал аёллар» қанотлари фаолият

лари сони 273 киши экан! Ойдин Норова уларга етакчи. У киши билан самимий сўхбатда дилим янада ёришди...

Тахлиллар шуни кўрсатдики, партиявий ишни уюштириш, ёшлар, айниқса, хотин-қизлар ижтимоий фаолигини ошириш борасида Қарши туман партия ташкилоти намунали экан. Туман партия кенгашига анча йилдан буён Замира Азизова раҳбар, туман Кенгашидаги гуруҳимиз етакчиси. Туман Кенгашига партиямиздан 14 нафар, вилот Кенгашига эса 4 нафар депутат сайланган, партия аъзолари 3200 нафарга етгани кўп нарсадан далолат бериб турибди. Депутатлардан 6 нафари хотин-қиз. Қоратепа иқтисодий коллежи ўқитувчиси, депутатимиз Гулшода Омонова кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар олиб бериш масаласида ташкилотчилик қилди. Замира Азизованинг ўзи «Қаршимебель» қорхонаси бошлиғи, вилот Кенгашидаги депутатимиз Саломат Комилова билан ҳамкорликда Тўқмангит, Батож кишлоқлари аҳолисини тоза ичимлик суви, электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича тегишли ташкилотларга сўров билан чиқишди. Бу масала эътиборга олинган. Энг муҳими, икки йилда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 100 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит олиб беришди, улар ўз ишларини йўлга қўйишди, кўплаб одамлар ишли бўлишди.

ХАЙРИХОҲЛАР ИШОНЧИ

Косон туманида 65 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатяпти, аъзолари уч минг кишига етди. Ўтган сайловларда туман Кенгашидаги 30 депутатдан 16 нафари партиямиздан сайланди. Бу — вилотда энг юқори кўрсаткич. Бу борада Султонмурод Раҳимовнинг хизматлари катта. Султонмурод уч йилдан буён туман Кенгашига раҳбарлик қилляпти. Ташкилотчи, ташаббускор. Ўтган йили

— Хайрихоҳларсиз партия фаолият кўрсата олмайди, — дейди анча йилдан буён Қасби туман партия кенгаши раиси бўлиб ишлаб келатган Абдуали Холов. — Масалан, ҳозир 2267 аъзога эгамиз. Шу йилнинг ўтган даврида 132 киши партиямиз сафига қўшилди, уларнинг аксарияти ёшлар. Туманимизда 180 минг аҳоли истиқомат қилади. Хайрихоҳларимизнинг қўллаб-қувватлаши билан 11 номзодимиз туман, битта номзодимиз эса вилот Кенгаши депутатлигига сайланди. Қандай ишляпмиз? Ҳозир қуруқ ваъда, баландларовз гаплар керак эмас. Туман пахта тозалаш АЖ раиси, вилот Кенгашидаги депутатимиз Улугбек Аминов аҳоли талабини ўрганиб, намунали уйларни қўлайтириш сўрови билан чиқди. Масала тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилди ва ҳозир Мовлон кишлоғида 15 намунали уй қуриляпти. Туман Кенгашидаги депутатимиз, фермерлар уюшмаси раиси Авазмурод Бобоев Наврўз маҳалласи ҳудудини сўғориш учун сув тақчиллиги масаласини қўтарди, елиб-югурди. Натижада масала ижобий ҳал бўлди.

МУХИМ, ЖУДА МУХИМ...

Шу йилнинг июнь ойи ўртаси эди. Китоб туман ҳокимлигида бир тадбир ўтказилди. Унда янги қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги қонун ҳақида гап борди. Шундан кейин Қашқадарё вилоти ҳокимининг алоҳида фармойиши билан туманларда фуқароларни қабул қилиш жорий қилинди. Фармойишда ўзини ўзи бошқарish органлари фаолиятини такомиллаштириш, мурожаатларни қўриб чиқишда қонунчиликни тўла таъминлаш чора-тадбирлари алоҳида белгиланган бўлиб, ҳар бир туманга вакиллар тайинланди. Шунга қўра, Китоб туманида ҳар ҳафтада бир марта ЎЗХДП вилот кенгаши раиси, вилот Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшанов қабул ўтказа бошлаганди. Ўша кунги қабулда мен ҳам иштирок этиб, бевосита ариза ва шикоятлардан хабардор бўлиш, таҳлил қилиш имконига эга бўлдим.

Муаттар Очилова умр йўлдоши 15 йилдан буён ногирон экани, ёрдамга муҳтожлигини айтди. Яққатут кишлоғидан «Кишимчи» фермер ҳўжалиги бошлиғи Баҳриддин Янгирбоев кредит, ер майдони ажратиш юзасидан мурожаатининг натижасини билгани келибди. Фуқаро Мухтор Қўлдошев Сарой кишлоғида емхона қуриш учун ер майдони ажратилишида ёрдам сўради...

— Китоб тумани ҳар томонлама ривожланиб борапти — дейди Олим Равшанов биз билан сўхбатда. — Кўплаб оилаларга қорамол олиш учун кредит беришибди. Лекин банк эшиги олтидан қайтувчилар ҳам йўқ эмас. Ўргандик, айримлар гаровга мулк қўйишдан қийналишяпти. Туман мутаъадди ташкилотлари билан бу масалани еҳса бўлади. Яна айрим мурожаатларни ўз ўрнида ўрганишимиз керак бўлади.

— Худди шуни сўрамоқчи эдим. Масалан, Олакўйли кишлоғида яшовчи Маҳфуза Аҳмедова ногирон фарзандига атиги бир марта иқтисодий ёрдам берилганини айтди. Ногирон фарзанд парваришляётган оналарга берилган қонуний имтиёзлардан фойдаланиш масаласида тушунтириш ишларини қўлайтириш учун мина ишлар қилинляпти? Масаланинг иккинчи томони партияимизнинг Жамоатчилик қабулхоналарига бориб тақалмоқда. Умуман, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилаётган айна пайтда бизнинг депутатларимиз қай даражада фаоллик кўрсатяпти?

— Қаранг, қанча савол, — дейди Олим Равшанов. — Шунга қарамай, сиз ҳақсиз. Ногирон фарзандини парвариш қилаётган онанинг ҳақиқий аҳолисини ўрганишни ЎЗХДП туман кенгаши, депутатлик гуруҳига топира-миз. Кўриниб турибдики, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими машғул-лотларида қонунларни ўрганишни яхшилашимиз керак экан. Барча вилот, шаҳар ҳамда туман кенгашлари депутатлари фаолиятини янада қўлай-тиришга ҳаракат қилляпмиз. Масалан, ҳозиргача 16 муҳим масала доимий комиссиялар, партияимиз гуруҳлари йй-гилишларида қўриб чиқилди. Бундан ташқари, 80 га яқин депутатлик сўровида ижтимоий-иқтисодий муҳим муаммолар ташкилотлар олдида қўйилди. Натижасини ўрганиб борапмиз. Тўғри айтдингиз, мурожаатларни ўрганиш, таҳлил қилиш жараёни — партия ташкилотларимиз, депутатларимиз учун алоҳида ҳаёт мактаби. Марҳамат, ўрганинг, таққосланг. Танқид қилсангиз ҳам ҳафа бўлмаймиз...

Бу фикр маъқул тушди. Вилотдаги барча Жамоатчилик қабулхоналарига шу йилнинг ўтган даврида 374 мурожаат тушди ва ҳозиргача уларнинг



70 фоизи ҳал қилинди. Мурожаатлар қай тарзда қўриб чиқилмоқда? Битта мисол. Қарши туманида яшаётган Неймат Бобоқулов ЎЗХДП вилот кенгашига келди. Уни Косон туманига юборишди. ЎЗХДП туман кенгаши раиси Султонмурод Раҳимов уни тинглаб, масалани ҳокимлик олдида қўйди. Натижада унга деҳқон ҳўжалиги учун ер ажратилди.

Деҳқонбод туманидаги «Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи» фаолиятини ўрганиб, 400 метр ер остиди қонга тушганимда, мураккаб техникани бошқараётган ёшлар: «Бирор нарсадан қийналсан, Исмоил ака бор, ёрдам беради», дейишганди. Уларнинг айримлари ЎЗХДП аъзоси экан-да. Кейин суриштирсан, завод девонхонаси мудири Исмоил Тангиров ташкилотдаги БПТ етакчиси ҳам экан. Қисқа вақт ичида янги ташкилот аъзолари 70 нафарга етибди. Умуман, туман кенгаши халқ ўртасида обрўли. Бу сайловда партиямиздан 12 киши туман ва 2 киши вилот Кенгаши депутатлигига сайланди. Ўтган даврда Жамоатчилик қабулхонасига 45 мурожаат тушибди, уларнинг аксарияти ҳал қилинибди. Депутатлар 15 сўров билан чиқишди. Туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида бошланган ишларни давом эттириб, яқинига етказишни сўраб, туман ҳокими, партиямиздан вилот Кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдишўқур Омоновга мурожаат қилинибди.

— Ўқитувчиман, болаларни имлодобга ўргатаман. Насибам халқ билан, достон, қўшиқлар айтиб, юрт кезаман. Одамлар кўнглидаги гапларни туман кенгашига, баъзан ҳокимимизга етказаман, — дейди Ўзбекистон халқ бахшиси, туман Кенгашидаги депутатимиз Абдуқаҳор Раҳимов.

Эътироф этиш кераки, мурожаатлар билан ишлаш борасида Қарши шаҳар партия ташкилотининг тажрибаси бир неча бор оғизга тушган. Бирок мен бу сафар танқидий фикрларни ҳам эшитдим. Бошим қотди. Охири, чуқурроқ ўрганишга аҳд қилдим. Аҳолиси 250 минг кишидан ортиқ, вилотнинг саноат, маданият ва маънавият маркази бўлган Қаршида фаолият кўрсатиш ниятда масъуляти. Айна дамба шаҳардаги 65 БПТ 3060 нафар аъзони бирлаштириб турибди. Шаҳар Кенгашига партиямиздан 11 депутат сайланган. Айнақса, Қарши шаҳрини қайта қуриш ва ободонлаштириш борасида ҳукумат Дастури амалга оша бошлаганда Жамоатчилик қабулхонасига мурожаатлар кўпайди. Бирор бузилган уйи учун ҳақ олиш, бирор янги уй қуриш учун ер сўраб ёки бошқа муҳим масала юзасидан келишди. Мурожаатлар асосида депутатлар 20 га яқин сўров билан чиқишди.

— Ишимиз ҳақида танқидий фикрларни айтилганларда ҳафа бўлмаймиз, — дейди Қарши шаҳар партия кенгаши раиси, шаҳар Кенгашидаги партияимиз гуруҳи раҳбари Рашид Муртозаев. — Танқидсиз ҳаракат, ўйлаш, интилиш бўлмайди. Олдинги йили шаҳар Кенгаши депутати Бобоназар Қўлмуродов Шайхали маҳалласида оилавий поликлиника ташкил этиш таклифи билан чиқди. Масалани Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатимиз Комила Қаромовага ҳавола қилдик. Натижада Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсати билан маҳаллада оилавий поликлиника филиали ташкил топди. Депутатимиз Жамила Тўрақулова Очқопар маҳалласидаги янги электрлар қўнган аҳоли учун ҳали эълан етиб бормагани масаласини тегишли ташкилотларга етказмоқда. Депутат Назира Уроқова

темир йўл вокзали, ёғ-экстракция заводи, Фафур Фулом, Кат, Захоки Марон маҳаллалари ҳудудида болалар богчаси қуриш имкониятини ўрганмоқда. Ҳамма нарса бирдан ҳал бўладими? Йўқ, албатта.

ҲАРАКАТ, ҲАҚАТ ҲАРАКАТ

Вилот партия кенгашининг шу йил апрель ойида ўтган пленумида жуда муҳим масалалар муҳокама қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Саттор Раҳматов Президентимизнинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида қўтарилган устувор вазифаларга кенг тўхталди. Пленумда партия Марказий Кенгашидаги аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўйича референти Фахриддин Ўлдошев аниқ далилларга таяниб, айрим депутатларимиз ханузгача бирорта сўров билан чиқишмагани, ташаббус кўрсатмаётганини танқид қилганди.

Икки нотиқнинг мулоҳазаси эътиборимни тортиди. Чироқчи тумани маънавият-маърифат маркази раҳбари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, партияимиз фаоли Зарингор Аҳмедова қўйинчақлик билан коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда сансалорликлар юз бераётгани ҳақида гапириб, аниқ таклифларни билдирганди. Таклифлари орасида таълимни такомиллаштириш, зарур касбларни ўқитиш ҳам бор эди. Партияимиздан вилот Кенгаши депутати, «Нуроний» жамғармаси вилот кенгаши раиси Январ Иноятов, жумладан, шундай деганди: «Ёшларнинг ишли бўлиши, бандлик масаласи — ҳамиша муҳим, ҳаёт талаби. Шунинг учун давлат миқёсида дастурлар қабул қилинапти, тадбирлар белгиланяпти. Масалан, Шаҳрисабзнинг узок тоғлар бағридаги Гелон, Миришкор туманининг Помук, Чироқчи туманининг Лангар каби кишлоқларидеёқ ёшлар коллежни битиргач, қаерга боради? Саноат қорхонаси, катта қурилиш, мактаб, богча кам ёки кадрларга эҳтиёж туғилмаса-чи? Ҳа, масалани жиддий ўйлаб, уй ҳунармандчилиги, касаначиликни ривожлантириш эътиборда турмоғи керак. Яна «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастуридаги вазифалар ҳақида. Дастур чуқур ўйлаб тузилган. Унда мингдан ортиқ ёлғиз қарияларнинг уй-жойини таъмирлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, соғлигини тиклашга қўмаклашиш каби ўнлаб ўта муҳим вазифалар қамраб олинган. Демак, бу кўтлуг ишнинг амалга ошишига муносиб ҳисса қўлиш керак.

Пленумдан кейин партияимизнинг Ҳаракат дастурини амалга оширишга катта эътибор берилди бошланди. Амалий ишлар ҳажми кенгайди. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи билан қизикдим. Миришкор, Қамаш, Чироқчи, Қарши, Китоб, Нишон ва бошқа туманларда маълум тажриба ва ҳаракат бор. Шаҳрисабз тумани тажрибаси эътиборга молик. Хар хил маълумотлар, рақамлардан қўра, ўз кўзим билан қўриш, таҳлил қилишга мойил эдим.

Туман партия кенгашида коллежлар ва ташкилотларнинг уч томонлама шартномаларининг бажарилиши назоратга олинганини айтиб, яхши ҳамкорлик қилаётган коллежларни тилга олишди. Шулардан бири енгил саноат ва хизмат кўрсатиш коллежи директори ўринбосари Завқиддин Дўстов шаҳардаги «Дон — ризқ-рўз», «Оқсарой текстиль» МЧЖ ва бошқа қорхоналар бюртмасига қўра, мутахассислар тайёрлагани ҳақида гапириб берди. Ўтган йили коллежни 179 ўқувчи битирган бўлса, асосий қисми ишга жойлашган, айримлари ўқув юр-тларида таълим олишмоқда. Бу йил

ҳам натижа яхши. «Оқсарой текстиль» МЧЖ га бориб, Японияда ишлаб чиқарилган ип йигирув дастгоҳини бемалол бошқараётган Шохсанам Ҳамдамованинг ишини қузатдим. У ўтган йили коллежни битирган.

— Биз яхши мутахассисларни албатта ишга оламиз, — дейди қорхона ип ўраш цехи бошлиғи Асқаржон Бобоқулов. — Қўриб турибсиз, дастгоҳлар мураккаб ва қimmatбаҳо. Ҳозир енгил саноат ва хизмат кўрсатиш коллежнинг 18 нафар битирувчиси қорхонамизда меҳнат қилаяпти...

Шаҳрисабз туман партия кенгаши раиси, туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Дилшоджон Ёрованинг айтишича, туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш маркази билан ҳамкорликда иш олиб боришяпти. Бу йил коллежларни 5 мингдан ортиқ ёш битирган. Қўпчилиги иш тогган, айримлари бошқа касб бўйича тақдирлар берилган. Дилшоджон сўхбат мавзусини ўзгартириб, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида бажарилган ишларга тўхтала бошлади.

Яқкабоғ туманига йўл олам. Туман кенгаши раиси Незмат Жумаев ҳузурида 8-Қоратепа сайлов округидан туман Кенгаши депутати, 70 ёшли Султон Ҳалимовни учратдим. Узоқ йиллар ўқитувчи, мактаб директори бўлган бу инсон депутатликка сайланган ҳам тинмас экан. Аҳоли мурожаати асосида 4 километр йўлни асфальтлаштиришни режага киритибди. Шу йили 7 нафар қарияга ижтимоий таъминот бўлими орқали бепул йўланма олиб бериб, санаторийда давола-нишини уюштирибди.

Незмат Жумаев дарахтзорлар қўйиндаги 160 ўринли Саховат уйига бошлайди. Чунки партия кенгаши доим хабар олиб тураркан-да. Бор-дими, ҳамма ёқ ораста, ҳозир бу ерда 93 нафар кекса гамхўрликдан баҳраманд. «Ҳукуматга раҳмат, гамхўрлиги учун. Партиянгизга ҳам раҳмат», дейди 75 ёшли Рафаэл Нормухаммедов...

Уч ой орасида партияимизнинг вилот, шаҳар, туман кенгашлари фаолияти билан обдан танишдим. Қашқадарёдаги кўплаб меҳнат жамоаларида минглаб, ўн минглаб партиядошларимиз фидокорона меҳнат қилмоқда. Ҳаракат дастуриимиздаги вазифалар қандай амалга ошаётганини қу-затдим, намунали етакчилар билан қўришиб, сўхбатлашдим. Баъзан қўнглим тўлди, баъзан ранжидим. Нима дердик, ҳаёт шундай: хар доим эзгу ишлар, амалий натижалар учун интилиш керак. Фақат уриниш, ҳаракат қилиш лозим. Айланиб, яна «Абди ўғли Бозор» фермер ҳўжалиги дала-сига келдим.

Қашқадарё соҳилидаги далада пахта терими қизгин. Ҳосил мўл. Ўзбекистон Кахрамони, Сенат аъзоси Абдумурод Бозоров билан шийпон ёнидаги ёғоч сўрида ўтириб, бир пиёла чой устида сўхбатлашдик.

— Кўп воқеаларни ўз кўзингиз билан қўриб, яхши қилибсиз, — дейди Абдумурод ака оқликка йўғрилган пахтазорга меҳр билан боқар экан. Кейин менга ўғирилди: — Қайси соҳа бўлмасин, одамни меҳнат улуглар экан. Президентимиз икки бор шу даламизга келиб, тараққийга оид айрим режаларини айтганди. Шу йил Қасби туманидаги учрашувда ёшларни касб-ҳунарли, фидойи этиб тарбиялаш вазифасини қўйилди. Ҳозир шуни ўйлаб турувдим. Менимча, ёш етакчиларни тарбиялаш бўйича тажрибаларни ўргатишимиз лозим...

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



тини ривожлантиришда бошланғич партия ташкилотларига таяниш яхши натижа беради.

Шу боис ишни бошланғич ташкилотлар тажрибасини ўрганишдан бошладикан бўлдим. Қўйларга тўлган ён дафтаришни арақлайман. Жуда кўп ёшлар билан учрашибман. Шулардан бири Абдурахмон Тўев Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини битирган. Муборак газни қайта ишлаш заводида, ахборот бошқарув тизимида иқтисодчи. У ҳафта партияимиз Муборак туман кенгаши раиси Алиме Парпиева шундай деганди: «Биласизми, заводда қанча киши ишляйди? 4300 нафардан ортиқ! Қорхона раҳбари Элмурод Курбонов партиямиздан вилот Кенгаши депутати. Ҳозир туманда 37 бошланғич ташкилот 1600 га яқин аъзони бирлаштириб турибди. Қорхонадаги бошланғич ташкилотимизга икки йилдан буён Абдурахмон Тўев етакчи. Ташаббускор, ташкилотчи».

Бу йил бошланғич ташкилотимизга яна 27 киши қўшилди.

Қашқадарёда бундай ташаббускор бошланғич ташкилотлари кўп. Яна ён дафтаришни арақлай, кўрганларимни эсга олам. Масалан, Озода Холикова етакчилик қилаётган Китоб тумани Сарой маҳалласидаги ҳудудий партия ташкилотининг аъзолари 50 нафарга етибди. Олдинги йили ҳисобот сайлов ййгилишида қатнашганимда Холикова яна етакчиликка сайланган, режаларини айтганди. Улар амалга ошибди. Кишлоқ ички йўлларини ҳомийлар ёрдамида тош тўкиб, созлашди. Яна бир кишлоқнинг йўлларини яхшилаш режаси бор экан. Кишлоқ аёллари тадбиркорлик билан шуғулланиши масаласига эътибор катта экан. Худди шундай ёндашувни Фузор туманида ҳам кўрдик. Туман кенгаши «Фал аёллар» қаноти етакчиси Сайёра Қобилова турки Бўстон кишлоғига олиб борди. Бу ердаги ҳудудий партия ташкилотининг аъзо-

унга Марказий Кенгашимизнинг мукофоти берилди. Бу сафар ҳам уни ишонасида, одамлар қурувида учратдим.

— Ёшим 63 да, ўн йилдан буён «Пистали» маҳалла фуқаролар ййигинига бошчилик қилиб келяпман, — дейди Элмурод Примов. — Айтиверайми? Ҳўш, туманимизда 251 минг аҳоли ишляйди, 65 кишлоқ ва маҳалла ййигинлари тузилган. Ҳеч қандай партияга аъзо эмасман. Ростини айтман, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, унинг фаоллари қилаётган хайрли ишларга мойилман. Депутатимиз Шодмон Шўқуровга тақдирларимизни тортимай айтиверамиз. Кишлоқдаги қабристонни ободонлаштириш ишининг бошида турди, икки километр ички йўлни асфальтлаш-ни режага киритиб берди. Барака то-лгур, эл юмушидан бўйин товламайди.

— Одамларнинг ҳурматини қозониш осон эмас, — дейди «Косондон» МЧЖ бошланғич партия ташкилоти раиси Ҳушвақт Пирматов. — Ке-чаги хайрихоҳларимиз бугун сафимизга қўшилмоқда. Ҳозир аъзоларимиз сони 338 нафарга етди. Қорхонамиз раҳбари Шерали Донаев туман Кенгаши депутати. Янгиликлар кўп, яқинда макарон тайёрлаш цехини ишга туширамиз, яна 50 киши ишли бўлади... Партияимиз гуруҳи раҳбари Султонмурод Раҳимов талабчан инсон. Унинг айтишича, туман бюджетини шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш доимий комиссиясининг 30 май кунигаги ййгилишида ижтимоий нафақаларни тайинлашни такомиллаштириш масаласи қўриб чиқилибди. Қарор қабул қилиниб, ижроси назоратга олин-ибди. Ижтимоий ҳимояга қаратилган бошқа хайрли ишлар ҳам кўп. Депу-татларнинг ҳаракати билан Холбой Мухаммадиев, Ҳасан Аваровга ногирон-лик аравачалари олиб берилди. Жой-ларда ижтимоий нафақалар тайинлаш-ни ўрганиш учун мониторинг ўтказиш режаси тузилди.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажрим ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилинади.

■ ҚОНУН ВА ШАРҚ

УЙ ҚАМОҒИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ

инсонпарварликнинг амалдаги яна бир ифодасидир

Мамлакатимизда тарихан қисқа даврда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган ғуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислохотлар негизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассам.

Бу ҳақда сўз борганда, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, процессуал мажбурият чоралари тизимига янги, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилгани тўғрисида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш тартибини белгилаш бўйича Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма кўрсатмаси ҳам қабул қилинди.

Айтиш керакки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасига кўра, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганда унинг ёш, соғлиғи ҳолатини, оилавий ҳаётини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилади.

Уй қамоғи — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратилган ҳолда, ўзи мулкдор, чиқарага олунчи (сифатида ёки «бошқа қонуний» асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шу билан бирга унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, тиббий муассаса ҳам уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгилашни мумкин.

Уй қамоғи эҳтиёт чорасини танлашда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг аҳолининг енгиллаштирувчи ҳолатларининг ҳар бири ёки уларнинг мажмуи асос бўлади.

Жиноят-процессуал кодекси-

нинг 242-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қўйиладиган тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин:

муайян шахслар билан алоқа бўлиш; хат-хабар олиш ва жўнатиш; ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш;

уй-жойни тарқ этиш.

Ўзига нисбатан уй қамоғи қўлланилган шахс барча тақиқларга (чекловларга) ёхуд улардан айримларига дучор этилиши мумкин. Қонунда белгиланган тақиқлар (чекловлар) қатъий бўлиб, улардан ташқари қўшимча тақиқларни (чекловларни) қўллашга йўл қўйилмайди.

Муайян шахслар билан алоқа бўлишга тақиқ ўрнатиш — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик мақсадида, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, шу ишнинг бошқа иштирокчилари ёки шу каби бошқа шахслар билан бе-эшиқлик ва билвосита учрашиш ва гаплашишга ёхуд ёзишмалар амалга оширишга тақиқ қўйилишидир.

Хат-хабар олиш ва жўнатишга тақиқ ўрнатиш — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳар қандай хат-хабарини, яъни почта-телеграф, факс орқали жўнатмалар, ўзаро хат-ёзишмалар, шунингдек, E-mail, SMS, MMS ва бошқа электрон шаклдаги хабарларни қабул қилиши ёки жўнатиши чекланишида кўринади.

Ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб боришга тақиқ ўрнатиш — гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг алоқа воситалари орқали сўзлашувлари, почта-телеграф, факс жўнатмаларини, шунингдек, E-mail, SMS, MMS ва шу каби



бошқа электрон шаклдаги ёзишмаларни амалга оширишни тўлиқ тақиқлаш, демакдир.

Уй-жойни тарқ этишга тақиқ ўрнатишда эса, шахснинг уй қамоғи эҳтиёт чорасини ўташ жойидан чиқишга суд ажримини билан тўлиқ ёки қисман тақиқ қўйилади. Бу борада қисман тақиқ ўрнатишда, уй қамоғи қўлланилган шахсга ўқиш ёки иш жойига боришга ёхуд кундалик турмуш масалаларини ҳал этиши учун куннинг маълум пайтида уй қамоғи қўлланилган жойдан ташқарига чиқишга рўхсат берилди.

Ушбу тақиқлар (чекловлар)ни ўрнатишда бир қатор муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Аввало, муайян шахслар билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш ва жўнатиш, ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш каби тақиқ ва чекловлар доирасига уй қамоғи қўлланилган турар жойда гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга яшаб турган шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, уй қамоғи қўлланилган жойда эҳтиёт чораси қўлланилган шахс билан истиқомат қилувчи шахслар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан ўрнатишдан тақиқларнинг бузилишига олиб келадиган ҳаракатларини содир этиши мумкин эмаслиги тўғрисида уй қамоғи қўлланилишидан ол-

дин оғохлантирилиб, бу ҳақда уларнинг ёзма розилиғи олинади.

Хат-хабар олиш ва жўнатишга нисбатан ўрнатиладиган тақиқ доирасига уй қамоғи қўлланилган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан пенсия ва ижтимоий тўловлар, суғурта бадаллари ва шу каби бошқа тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ, шунингдек, соғлиқни сақлаш, суриштирув ва тергов органлари, судлар, суд ижрочилари билан боғлиқ хат-хабарлар киритилмайди.

Шу билан бирга, уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг ҳимоячиси ва қонуний вакили билан учрашувларига тақиқлар ўрнатишмайди.

Суд томонидан эҳтиёт чораси сифатида уй қамоғини қўллаш ҳақидаги ажримда шахсга нисбатан қўлланилаётган чекловларнинг тури ва доираси аниқ кўрсатилиши шарт. Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига ўқиш ва иш жойига бориб келиш ва бошқа шу каби ҳолатларда турар жойдан ташқарига чиқишга рўхсат берилганда ҳам уларнинг вақти аниқ кўрсатилиши лозим.

Уй қамоғи қўлланилган шахсга иш ва ўқиш вақтида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойидан ташқарида бўлишга рўхсат берилганда, ички ишлар органлари зиммасига иш ва ўқиш жойи маъмурияти билан

ҳамкорликда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг меҳнат қилиш ва таълим олиш қоидаларига риоя этилиши таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқ-атвори устидан назорат ўрнатиш юклатилиши мумкин.

Суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномада назарда тутилган тақиқлар тури ва доирасини қисқартириши мумкин. Аммо, суд илтимосномада кўрсатилмаган тақиқлар турлари ва доирасини белгилашга, шунингдек, илтимосномада қўлланилиши сўралмаган тақиқни бошқа турига ва доирасига ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Гумон қилинувчининг дастлабки қамоқда ушланган ҳамда айбланувчининг уй қамоғида сақланган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасида белгиланган тартибда кейинчалик суд томонидан тайинланган жазо муддатига киритилади.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад қилиш тўғрисидаги ажрим ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилинади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан уй қамоғи тарзидаги процессуал мажбурият чораси қўлланилганда, тергов органи бу ҳақда унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек, бу ҳақда унинг иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиши, уй қамоғига жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг ғуқароси бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига йиғирма тўрт соат ичида хабар бериши шарт.

Ишчи судга қадар юритиш босқичида қўлланилган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси шахснинг бундан кейин уй қамоғида бўлиши учун асослар мавжуд бўлмаганда прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиғи билан терговчи томонидан эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида ажрим чиқарган судни хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бунда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши айнан ўша шахсга нисбатан ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга такораран мурожаат этишга монелик қилмайди.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи соғлиғи ҳолати юзасидан соғлиқни сақлаш муассасасига олиб келинган ва ётқизилган бўлса, ички ишлар идораси зудлик билан бу ҳақда жиноят иши иш юритувида бўлган тергов органи ёки судни хабардор қилади.

Уй қамоғидаги шахс соғлиқни сақлаш муассасасига ётқизилганидан сўнг уни стационар даволашга муҳтожлигига аниқлик киритиш мақсадида суд-тибб биёт экспертизаси тайинланиб, экспертиза натижасига кўра, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс даволашга муҳтож эмас, деб топилган ҳолларда, эҳтиёт чорасини ўтаётган манзилга қайтарилади.

Суд-тибб биёт экспертизаси уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини турар жойда ўтаётган шахснинг стационар тартибда даволашга муҳтожлиги ҳақида ҳулоса берса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташни соғлиқни сақлаш муассасасида давом эттириши тўғрисида прокурор, прокурорнинг розилиғи билан терговчи томонидан қарор чиқарилади. Бу эҳтиёт чораси суднинг иш юритувидаги иш бўйича қўлланилган ҳолларда эса, судья томонидан қўшимча ажрим чиқарилади.

Айтиш керакки, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс томонидан эҳтиёт чорасининг шартлари бузилганига ҳақида ички ишлар органларидан ёзма хабарнома олинганда, хабарноманинг асослигини ва шахс томонидан эҳтиёт чораси шартлари бузилганилиги тергов органи ёки суд томонидан текширилади.

Табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар юз берганда уй қамоғидаги шахс томонидан белгиланган тақиқ ва чекловларнинг бузилиши тегишли тартибда текширилганидан сўнг уэрли деб топилиши мумкин.

Ҳулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, процессуал мажбурият чоралари тизимига янги — уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар йўлида қўйилган яна бир муҳим кадам бўлиб, у айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Олимжон ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси.



РАДИОАКТИВ
ЗАРРАЛАР

видеокамерада
аниқланади

Япониялик олимлар радиоактив зарраларни кўра олувчи видеокамера ихтиро қилганлар. Унга махсус объектив ўрнатилган бўлиб, радиоактив нурларни осонлик билан аниқлаш имконини беради. У катта майдонларни ҳам тасвирга олиш хусусиятига эга.



Мутахассисларнинг фикрига қараганда, мазкур видеокамера фақат гамма нурларини кўра олади. Тасвир тўлиқ бўлиши учун оддий камерадан фойдаланилади. Сўнгра тасвирлар бирлаштирилиб, умумлашган тўлиқ тасвир ҳосил қилинади.

Кейинчалик бу мушкулликлар ҳам барҳам топишига умид қилинмоқда. Негаки, олимлар ҳам тасвир, ҳам радиоактив нурларни бир вақтининг ўзига кўра олиш қобилиятига эга видеокамера яратиш устида бош қотирмоқдалар.

ЭКОЛОГИК ТОЗА
ёнилғи ёрдамида

Бугунги кунда ишлаб чиқарувчилар экологик тоза маҳсулот яратиш талаб этмоқда. Шу боис автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар ҳам замона зайлга мос равишда янада мукамаллашган янги механизмларни яратиш устида бош қотирмоқдалар. Айримлар бу борада юқори самарга эришмоқда.

Ғал шундаки, «Хонда» автокорпорацияси мутахассислари автомобилда қўшимча электрогенератор вазифасини бажарувчи тизим яратдилар.

Бундай тизим корпорациянинг «FCX Clarity» русумли машиналарига водород ёрдамида ишловчи двигатель билан бирга ўрнатилмоқда. Янги технология ёрдамида машина двигатели 7 соат мобайнида 9 киловатт электр энергияси ишлаб чиқаради. Бундай қувват билан автомобиль 150 километр масофани босиб ўтади.

■ РЕКЛАМА

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2015 йил 15, 20, 22 ва 27 октябрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга тақлиф этади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қўйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидagi 100 фоиз банк улушига тақририй равишда қўйилади:

Т/р	Объект номи	Сотилаётган объект		Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	Сўм	АҚШ доллари
1.	«KINDER FRUITS» МЧЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш	16 450 897 500,0	7 269 733,26
2.	«FARG'ONA KIMOY ZAVODI» МЧЖ	Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, Тарона кўчаси, 15-уй	Пахта целлюлозаси ва этил техник спирти ишлаб чиқариш	59 142 493 600,0	28 997 104,14
3.	«NAMANGAN QOG'OI» МЧЖ	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Курувчилар кўчаси, 50-уй	Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш	3 970 500 000,0	1 802 969,76
4.	«KOSONSOY TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истанбул кўчаси	Трикотаж ипи, жуни ва ярим жуни матолар, аделлар ишлаб чиқариш	24 500 000 000,0	11 125 238,40
5.	«NAMANGAN TO'QIMACHI» МЧЖ	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси	Ип-калага ишлаб чиқариш	62 941 505 000,0	28 228 561,11
6.	«ASIA PIPEPLAST» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Янқобод тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй	Шиша топапи қувурлар ишлаб чиқариш	45 635 559 919,47	20 013 138,70
7.	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд шаҳри, Шоҳрух кўчаси, 53-уй	Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш	42 967 000 000,0	18 842 861,40
8.	«EASTBRICK» МЧЖ	Қашқадарё вилояти, Қамашни тумани, Қизилтепа ҚФЙ	Ғишт ишлаб чиқариш	2 845 645 000,0	1 322 012,44
9.	«ANDIJON CHARM» МЧЖ	Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Октепа қишлоғи	Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш	6 003 004 740,0	2 943 226,49
10.	«SOGDIANA PIPEPLAST» МЧЖ	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй	Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш	3 145 245 000,0	1 542 089,14
11.	«GAZALKENT STONE» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Мармар кўчаси, 1-уй	Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш	5 790 000 000,0	2 838 791,92
12.	«POYTEKS» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гўрғули кўчаси, 4-уй	Классик ва спорт турдаги эркалар пайпоғи, пахта ипидан тайёрланган боғлам материаллари ва тиббий бинглар ишлаб чиқариш	1 940 000 000,0	850 772,71
13.	«COINOT AND C» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Шайхонтоқур тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98-«Б» уйи	Умумий овқатланиш	361 513 000	150 075,50

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:

Савдо ғойиб улуш сотиш баҳосининг бунэк пули сифатида қамда 15 фоиз микдорини савдо ўтказилгандан сўнг, қолган қисминини олди-сотиш шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Coinot and C» МЧЖ 3 (уч) йилгача ва қолган улушлар учун 7 (етти) йилгача бўлган муддатни ташкил этади. Жумладан, талабдорлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш ҳараидида сотилаётган улушнинг бунэк пули микдорини 15 фоиздан кўпроқ белгиланган муддатда тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашнинг яқиний муддати «Coinot and C» МЧЖ 3 (уч) йилдан кўпроқ муддатга ва қолган улушлар учун 7 (етти) йилдан кўпроқ муддатга сотилиши бўйича музокаралар олиб борилиши мумкин.

Савдо объекти ҳўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарт билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар беришга ёки сотиб олиш учун суммасининг қолдинига фозилар ҳисобланмаддан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунча қадар объектни ўзига бериш ва унинг шахсга қаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқини (сотувчи — «Ўзбекилийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Хўжаликтан расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ барча ҳаракатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ ҳаракатлар), савдо ташкилотининг тўланадиган комиссия тўловлар, савдо ташкилотининг савдонини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлари ҳамда юзга келадиган

бошқа ҳаракатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабдор қўйидаги ҳўжаликтан тақдим этилиш лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вақил номига унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қўнун ҳўжатларидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вақил катташган тақдирда эса унинг шахсини тасдиқловчи ҳўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қўнун ҳўжатларидан ўрнатишдан ташқари расмийлаштирилган ишончнома;

— эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганини тасдиқловчи тўлов ҳўжжати нусхаси;

— икки нусхадаги ёлпқ конвертларга солинган қўйидаги қўйидаги ўз ичига оладиган талабдор тақлифлари: сотиб олиш тўловларининг тақлиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-река.

Тақдим этилган ҳўжатларнинг барча арақларни талабдорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш учун талабдорлар томонидан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган «Eastbrick» МЧЖ, «Andion charm» МЧЖ, «Sogdiana pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖ, «Poitek» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоиз микдоридан ва «Coinot and C» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 15 фоиз микдоридан ҳамда қолган барча улушлар бошланғич баҳосининг 1 (бир) фоиз микдоридан закалат пули билан.

«Toshkent universal auctions savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотек-банк» Шайхонтоқур филиалидан қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТРП: 302071274.

Талабдорлардан қўриқда кўрсатиб ўтилган ҳўжатларини ҳамда бюртоманомаларни қабул қилиш, расмий иш кўнарида мазкур эълон чиққан кўндан бошланади ва савдо ўтказиш бошланғичдан қамда уш соат олдин тўхталилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган қорхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзил

лига бориб танилиш мумкин.

Савдоларга тақдим этилган тақлифларни ўзга-ниб чиқиш, белгиланган савдо қўнлари соат 11:00да бошланади ва қўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳри, Мировоб тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 507-хона (Махлис-лар зал).

Мурожаат учун маъзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Мировоб тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, «Toshkent universal auctions savdo» МЧЖ томонидан 2015 йил 15 ҳамда 22 сентябрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ўтказилган савдоларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Marg'lon bo'yog' teksti» МЧЖ устав фондидagi 100 фоиз улуши — 7 752 752 000 сўмга; «Vodiy muzayum» МЧЖ устав фондидagi 100 фоиз улуши — 1 064 409 000 сўмга; «Toshkent qog'oi» МЧЖ устав фондидagi 100 фоиз улуши — 29 198 000 сўмга; 2015 йил 15 сентябрь кўни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси F.Mavlonov номидаги Саймонлогия институтини баънасидagi д/р 01/802BCA бўлган «Тик» — 8 700 000 сўмга; «Асака» ДАТБ Тошкент вилоят филиали баънасидagi д/р 01/880JAA бўлган «Нексис SONG» — 28 000 000 сўмга; «O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi Akborot-hisoblash markazi» ДУК баънасидagi д/р 01/301FAA бўлган «Дамас» — 25 000 000 сўмга сотилганлиги; Иш-Пазар ва лазер технологиялари институтини қишдаги махсус конструкторлик-технология бюросининг 2015 йил 21 сентябрдаги 41/172-8-308-сонли хатига асосан, д/р 01/287LBA бўлган «ГАЗ-53А», д/р 01/289LBA бўлган «ММЗ-45021» русумли автомобилотранспорт воситалари ҳамда давлат

КУРГАЗМА

Ўқимоқчимисиз, ишламоқчимисиз?.. Марҳамат!

25-27 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Таълим ва мутахассислик» VIII халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, «Еuroscontact» масбулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, талабалар, уларнинг ота-оналари, ўқув муассасалари вакиллари иштирок этди.

Ушбу кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад ёшларимизни замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши учун юртимиз ва хорижий олий ўқув юртлири фаолияти билан таништириш, касб танлашига кўмаклашиш, бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бериш, уларнинг бандлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон ва хорижий ўқув юртлири, ўқув марказлари, тайёрлов курслари ўқишга таклиф қилиш билан бирга, ўқишга кириш мақсадида бўлган ёшлар олдига қўйилган талаблар, таълим жараёни ва шарт-шароитлар тўғрисида ҳам кўргазма иштирокчиларига батафсил маълумотлар берди.

Шунингдек, тадбирда қатнашган ёшлар таълим тизими юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди.

— 2016 йил Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейни битираман, — дейди **Даврон Саидов**. — Ушбу кўргазмада қатнашиб, бир неча ўқув юр-

лари ҳақида маълумот олдим. Кимё ва биология фанларига қизиқаман. Билимларимни янада ошириш ва хориж тажрибасини ўрганиш мақсадида чет элда ўқимоқчиман.

Кўргазма давомида унинг иштирокчилари мамлакатимиз ва жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланган, ўзгаришлар билан танишиш имконига эга бўлди. Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, кўргазма юртимиз таълим муассасаларининг хорижий билим юртлири билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

— Ўзбекистон ёшларини билим олишга қанчалик қанқоқлигини бугунги кўргазмага келган йигит-қизларнинг ёниб турган кўзидан ҳам англаса бўлади, — дейди **Флорида халқаро университети**нинг **Марказий Осиё масалалари бўйича менежери Зауреш Амонжолова**. — Кўргазмада университетимиз, ундаги таълим жараёни ҳақида ҳикоя қилувчи буклетлар, китоблар турли суратларни намойиш этмоқдамиз.



Ўқувчиларни инглиз тилида раво сўзлаши ҳам мени қўйил қолдирди. Шунингдек, кўргазмада Тошкент шаҳридаги бандликка кўмаклашувчи марказлар ҳамда республикада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотлар, йирик компаниялардаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида ҳам маълумотлар тақдим этишди.

— Ушбу кўргазма олий ўқув юртида ўқиш истаги бўлган ёшлар учун

ажойиб имкониятдир, — дейди **Тошкент ахборот технологиялари университети** қошидаги академик лицей ўқувчиси **Бунёд Алимов**. — Бу ерда мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлиридаги таълим тизими билан яқиндан танишдим. Ахборот технологияларига, хусусан, дастурлар яратишга қизиқишим кучли бўлгани учун Тошкент ахборот технологиялари университетида ўқиш ниятим бор.

Мазкур кўргазмада мамлакатимиз олий таълим муассасалари билан бир қаторда Россия, Малайзия, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Латвия, Польша, Япония, Корея Республикаси, Сингапур каби давлатларнинг йигирмадан зиёд олий ўқув юрти ва уларнинг филиаллари вакиллари қатнашди.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ

СПОРТ

Кеча пойтахтимиздаги Республика Олимпия за-хиралари теннис мактабида аёллар ўртасида WTA туркумига кирувчи анъанавий Tashkent Open халқаро турнири бошланди

ТОШКЕНТДА ТЕННИС БАЙРАМИ

Мукофот жамғармаси 250000 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур нуфузли мусобақада Германия, Россия, Голландия, Швейцария, Япония, Польша, Хорватия, Белорус, Сербия, Украина каби йигирмадан зиёд давлатдан таширф бўлган ракетка усталари голиблик учун кортга чиқишмоқда. Ўн еттинчи бор уюштирилаётган халқаро турнирда мутахассисларимиз Окгул Омонмуродова, Нигина Абдураимова, Влада Яхшибарова, Сабина Шарипова сингари теннисчиларга ишонч билдиришган.

Эътиборли жиҳати, бу йилги бахслар ҳар йилгидан-да кескин ва мurosасиз кечиши кутиляпти. Жумладан, Тошкент кортларида майдонга тушаётган ракеткачиларнинг ўн етти нафари WTA таснифда кучли юзликдан ўрин олдиги фикримиз тасдиғидир.

Tashkent Open халқаро турнирида Анника Бекк биринчи рақамли теннисчи сифатида қайд этилган. Германиялик бу спортчи айни чоғда дунё аёллар теннис таснифда 63-погонани банд этган. Анника яқинда Канадада ўтказилган халқаро турнирда голибликни қўлга киритиб, тўғри Тошкентга етиб келди. Шунингдек, Бояна Йованоски (Сербия), Урсула Радванска (Польша) Маргарита Гаспарян (Россия) каби ракетка усталари жаҳон теннис муҳлисарига яхши таниш. Мутахассислар фикрича, голиблик учун асосий кураш айнан ана шу қатнашчилар ўртасида кечса ажаб эмас.

Қуръага кўра, яққалик учрашувларининг дастлабки давра баҳо-ларида ҳамюртларимиз Сабина Шарипова словакиялик Яна Чепелова, Нигина Абдураимова эса хорватиялик Петра Мартинча қарши кортга чиқади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДХТУ талабаси.

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Меҳр ва эътибордан баҳраманд диллар

■ Фарғона вилоятида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлаётди.

Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 226 кишига ногиронлар аравачаси, эшитиш мосламаси ва бошқа зарур жиҳозлар тарқатилди. Мингдан зиёд меҳнат фахрийси сикатхоналарда бепул саломатлигини мустаҳкамлади.

Фарғона вилояти ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказида ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари тиббий-ижтимоий, консултив, диагностика ёрдам ва касб бўйича реабилитация хизматлари кўрсатилади. Бунинг учун муассасада барча шароит яратил-

ган. Жорий йилнинг ўтган даврида 800 дан зиёд беморга тиббий хизмат кўрсатилиб, саломатлиги тикланди.

Яқинда бутунлай қайта таъмирланган марказда ногиронларга психологик ва ҳуқуқий маслаҳат бериш ҳам йўлга қўйилиб, доимий равишда тренинг машғулоти ўтказилаётди. Физиотерапия, фитотерапия, тренажёр заллари беморлар иктиёрида.

— Шифокорларнинг кўмаги билан соғлиғимни тикламоқдаман, — дейди **Бувайда туманидан II гуруҳ ногирони Ханифа Ганиева**. — Замонавий тиббий жиҳозлар, яхши шароитлар ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда муҳим омили бўлмоқда. Бундай юксак эътибор учун давлатимиз, ана шундай эзгу амаллар ташаббусқори бўлган Юртбошимиздан миннатдоримиз.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» 30 октября 2015 года в 12:00 в городе Нукусе проводит открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу: принадлежащий ООО «Каракалпак онлау курылыс», расположенного по адресу: г.Нукус, ул. Ерназар Аллаков, дом 15. Автокран марки «МАЗ-5334». 1989 года выпуска, гос.номер №95/924 МАА. Начальная цена — 50 000 000 сум. Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9:00 по 18:00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Туронбанк». Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г.Нукус, ул.Амира Темура, дом 122а. Телефон для справок: (0-361) 222-55-84.

Удостоверение №006388 Услуги лицензированы.

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

ОБ-ҲАВО 29-30.09 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+8 / +13 +20 / +25

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+10 / +15 +22 / +27

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+8 / +13 +22 / +27

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+10 / +15 +25 / +30

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+10 / +15 +24 / +29

Тошкент шаҳри

+8 / +10 +25 / +27

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +19 / +18

Париж +20 / +19

Москва +14 / +13

Мадрид +24 / +24

Пекин +17 / +20

Канберра +21 / +22

Рим +24 / +24

Афина +26 / +23

Токио +25 / +24

Стокгольм +17 / +17

Кейптаун +18 / +17

Қоҳира +36 / +32

Гавана +32 / +32

Вашингтон +28 / +23

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959

11028

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari o'za yakuni — 20.40 Topshirilgan vaqt — 23.25

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7133

1 2 4 5 6